

Х.М.Кулимова

Тошкент молия институти

ТАШҚИ САВДОДА СОЛИҚ НАЗОРАТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада экспорт-импорт жараёнида солиқ назоратига таъсир қилувчи омиллар шу билан биргаликда келгуси макроиқтисодий ҳолатнинг асосий омиллари, яъни ички маҳсулотнинг 2022-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ўрганилган. Шунингдек, экспорт-импорт жараёнида солиқ назоратига таъсир қилувчи омилларини ўрганишга доир илмий мунозаралар юритилган ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: экспорт, импорт, савдо операцияси, иқтисодий ўсиш ташқи савдо, солиқ хизмати, банклар, божхона, макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ, валюта, солиқ назорати, инвестиция.

PROCEDURE FOR MONITORING TAX CONTROL IN EXPORT- IMPORT OPERATIONS

Abstract. In this article, the factors affecting tax control in the export-import process, as well as the main factors of the future macroeconomic situation, the targets of the gross domestic product for 2022-2024, and the forecast of the main macroeconomic indicators were studied. Also scientific discussions related to the factors affecting tax control in the export-import process were conducted and proposals were made.

Key words: export, import, trade operation, economic growth, foreign trade, tax service, banks, customs, macroeconomic indicators, tax, currency, tax control, investment.

КИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларини фаолиятини солиқлар воситасида қўшимча рағбатлантириш, солиқ қонунчилигини биринчи маротаба билмасдан бузаётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жазо чораларини қўлламаслик бўйича тизимли амалий ишлар амалга оширилмоқда. «Солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни

шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш»[1] вазифаси белгиланган. Мазкур вазифа ижросини таъминлашда экспорт фаолиятини янада ривожлантириш, тадбиркорлар ўртасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришда молиявий имтиёзларни қўллаш тартибини такомиллаштириш, ташқи савдода солиқ назоратига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш бўйича таклиф ва илмий тавсияларни асослаш, халқаро бозорда мамлакат ташқи савдода солиқ назоратига таъсир қилувчи омилларини соддалаштириш масалалари долзарб муаммолардан биридир.

Адабиётлар шарҳи

З.Қурбановнинг фикрига кўра, “мамлакатимиз валюта захирасини мустаҳкамлашда товар ва ишлар, хизматларни хорижга экспорт қилиш иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб, экспорт операциялари солиқ аудити методологиясини такомиллаштириш зарур” [2]. Тошмуродованинг илмий ишларида солиқлардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган [3].

Исламкулов ўз изланишларида бюджет даромадларида солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлашга доир масалалар тадқиқ этилган [4].

Ш.Д.Эргашходжаева томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари экспорт фаолиятини рағбатлантириш жаҳон бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятларига боғлиқлигини кўрсатади [5].

Л.Гончаренконинг қайд этишича, “солиқ муносабати қатнашчиларининг ўзаро боғлиқлигининг замонавий даражаси солиқ маъмуриятчилигини ташкил қиладиган назоратнинг икки элементида иборат, шу жумладан, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишининг назорати; солиқ органларининг қонунлар ижросини таъминлашининг назорати” [6].

А.Адвокатова солиқ назоратига қуйидагича таъриф берган: “Солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўللарни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш”[7].

Марсел Фисчернинг ўзининг тадқиқотида йирик корхоналар тўлайдиган фойда солиғи ҳамда хўжалик юритувчи субектлар тўлайдиган даромад солиғини ўрганган [8].

Хорижий олимлар орасида ташқи савдо операцияларини солиққа тортиш борасида замонавий рус олимлари, хусусан Г. Арутюняна,

И.Блинова, С.Гамидуллаева, А.Козырина, В.Мелихова, В.Преснякова, А.Холопова, Е.Чеботаревой, Д.Черника, Г.Шагалова ва бошқалар томонидан ўрганилган [9].

Тадқиқот методологияси


Ушбу мақолада экспорт-импорт операцияларида солиқ назорати мониторингини олиб бориш тартиби кўрсатиб берилган илмий анализ ва гуруҳлаш каби методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Дунёнинг Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Германия, Қозоғистон Ресубликаси Ўзбекистоннинг импорт бўйича ҳамкор давлатларидан ҳисобланади. Махсулот импортининг ўсиши валюта курсининг ошишига ва инфляцияни ошишига олиб келади. Бу эса божхонада ундириладиган солиқларнинг йиғилувчанлигига таъсир кўрсатади. Чунки, божхона тўловларини ҳисоблашда, товарларнинг божхона қийматини аниқлаш, акциз ва қўшилган қиймат солиқлари хорижий валютада ҳисобланади. Кейин эса божхона тўловларини ҳисоб-китоб юритилишида ҳаммаси миллий валюта эквивалетига айлантирилади.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ва иқтисодий кўрсаткичларнинг самандорлигини таъминлашда макроиқтисодий ҳолат алоҳида аҳамият касб этади.


Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатини таъминловчи омиллар 1-расм билан изоҳланади.



1-расм. Келгуси макроиқтисодий ҳолатнинг асосий омиллари [14]

Барқарор иқтисодий ўсишда саноатнинг қайта ишлаб чиқариш тармоқларининг тезда ривожланиши бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолат ўз навбатида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини саноатлаштиришда меҳнат унумдорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Барқарор иқтисодий ўсиш иқтисодий сиёсатнинг мақсади сифатида ҳам эътироф этилади. Бу вазифани бажаришда фискал сиёсат муҳим аҳамиятга эга.




2-расм. Ялпи ички маҳсулотнинг 2022-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари (млрд сўмда) [14]

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган ялпи ички маҳсулотнинг йилдан-йилга мақсадли мўлжаллари ўсиши режалаштирилган.

2023 йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 0,13 фоизга оширишни, 2024-йилда эса 2022-йилга нисбатан 0,25 фоизга ошириш назарда тутилган.

Қолган макроиқтисодий кўрсаткичлар 2022-2024 йиллар учун асосий мақсадли мўлжаллари ўз ичига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, истеъмол нархлар индекси, саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, чакана товар айланмасининг фоизларда ўсиш суръатларини ўз ичига олган.



3-расм. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози (фоизда) [15]

Ушбу кўрсаткичларнинг истеъмол нархлар индексида ташқари қолган барча кўрсаткичларнинг 2024-йилгача мақсадли ошириб бориш мўлланган. Ўз навбатида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг шундай мақсадли мўлжаллари ташқи савдо фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида умуман иқтисодиётни, хусусан ташқи савдони давлат томонидан бошқариш шакллариининг бири солиқ назорати бўлиб ҳисобланади. Мамлакатдаги ташқи савдо фаолиятида солиқ назоратига қуйидаги иқтисодий омиллар таъсир кўрсатмоқда:

1.Ишлаб чиқарган товарларини экспорт қилган тадбиркорлар учун солиқ тўловларидан яратилган имтиёзлардан қонунга ҳилоф равишда имкон қадар кўпроқ фойда олишга бўлган уринишлар.

2.Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган тадбиркорлар хорижий давлатларга кўпроқ товар экспорт қилганлиги учун солиқ тўловларини тўламаслик ёки камроқ тўлаш учун экспорт қилаётган товарларини нархини амалдаги реал нархдан ошириб, божхона расмийлаштирувидан ўтказиб, чет давлатларга олиб чиқмоқда.

3.Ўзбекистон Республикасига инвестиция маблағларини киритган хорижий давлатларнинг тадбиркорлари учун Ўзбекистонда солиқ тўловларидан озод қилиш бўйича бериладиган имтиёзлардан фойдаланишга бўлган уринишлар.

4.Тадбиркорлар томонидан товарларнинг нархини сунъий равишда ошириб кўрсатиш орқали экспорт қилиши

4-расм. Экспорт-импорт операцияларида солиқ назоратини олиб боришда таъсир қилувчи омиллар [16]

1.Ишлаб чиқарган товарларини экспорт қилган тадбиркорлар учун солиқ тўловларидан яратилган имтиёзлардан қонунга ҳилоф равишда имкон қадар кўпроқ фойда олишга бўлган уринишлар. Солиқ кодекси 261-моддасида экспорт қилинган товарлар учун имтиёз қўллашни ва товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти фактини тасдиқловчи ҳужжат сифатида товарлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилганлигини ангалтувчи белгиси туширилган божхона юк декларацияси асос қилиб кўрсатилганлиги. Яъни Ўзбекистон ҳудудидан хорижий давлатга олиб чиқилган товарлар, уларни сотишдан тушган валюта маблағлари Ўзбекистон банкларига ўтказилмаган бўлса ҳам, экспорт миқдори сифатида инобатга олинмоқда.

2. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган тадбиркорлар хорижий давлатларга кўпроқ товар экспорт қилганлиги учун солиқ тўловларини тўламаслик ёки камроқ тўлаш учун экспорт қилаётган товарларини нархини амалдаги реал нархдан ошириб, божхона расмийлаштирувидан ўтказиб, чет давлатларга олиб чиқмоқда. Экспорт ҳужжатларида оширилган товар нархи тадбиркор учун кўп товар экспорт қилинганлигини билдиради ва бунинг учун тадбиркор солиқларни камроқ тўлаш имкониятига эга бўлади. Оқибатда оширилган нархда экспорт қилинган товарлар хорижий давлатлар ҳудудида ҳақиқий ўзининг арзон нархида сотилади ва шунча миқдордаги хорижий валюта Ўзбекистон Республикасига олиб кирилади. Ҳужжатларда кўрсатилган тўланмай қолган хорижий валюта тўловларини тадбиркорлар Ўзбекистондаги ўз ҳисобларида мавжуд бўлган валюта пул маблағлари билан кам-кам тўлаб қоплаш чораларини кўрмоқда. Бунда тадбиркор ўзининг хорижий валютадаги пул маблағини гўёки чет давлатлардан олиб киргандай қилиб кўрсатиш учун йўловчи божхона декларациясини сохталаштириб, банк кассасига нақд хорижий валюта пул маблағларини тўлашга ҳаракат қилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикасига инвестиция маблағларини киритган хорижий давлатларнинг тадбиркорлари учун Ўзбекистонда солиқ тўловларидан озод қилиш бўйича бериладиган имтиёзлардан фойдаланишга бўлган уринишлар.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан ҳам хориждан инвестиция киритганлик учун солиқ тўловларидан озод қилиш бўйича имтиёзлар берилиши белгиланган. Шу сабабли хорижий давлатларнинг тадбиркорлари ёки фуқаролари учун яратилган имтиёзлардан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг айримлари ўз товарларини хорижий давлатларга экспорт қилиб, ундан тушган валюта пул маблағларини хорижий давлат тадбиркорлари ёки фуқаролари номидан Ўзбекистон Республикасига инвестиция сифатида олиб кирмоқда ҳамда хорижий давлат тадбиркорлари томонидан Ўзбекистонга киритилган инвестиция пул маблағи учун солиқ тўловларидан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлардан фойдаланмоқда.

4. Тадбиркорлар томонидан товарларнинг нархини сунъий равишда ошириб кўрсатиш орқали экспорт қилиши, божхона ҳужжатларини қалбакилаштириб, экспорт қилинган товарларни сотишдан тушадиган валюта маблағларини Ўзбекистонга олиб кирмасликка уринишлари натижасида, солиқ тўловларидан берилган имтиёзлардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланишга, “ёлғон экспорт”нинг вужудга келишига, экспорт қилинаётган товарларнинг божхона статистикаси маълумотлари нотўғри шаклланишига,

чет давлатлардан валюта маблағларининг Ўзбекистон банкларига келиб тушмаслик хавфини юзага келтирмоқда.

Бизнинг фикримизча, келгусида товарлар экспорти билан боғлиқ ноқонуний валюта операцияларини олдини олиш учун тадбиркорлар томонидан экспорт қилинган товарлар учун хорижий давлатлардан Ўзбекистон банкларига ўтказилган валюта тушумларининг миқдорига асосан, экспорт ҳажмини аниқлашни йўлга қўйиш ва шу тартиб асосида экспорт операцияларига оид статистик маълумотларни шакллантириш ҳамда валюта тушумининг миқдорига таяниб, тадбиркорларга келгуси солиқлардан имтиёз қўллаш чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Бу эса Солиқ имтиёзларини ҳақиқатда экспорт қилинган товарлар учун қўлланилиши сохта экспортнинг ҳажмининг камайишига ва дебитор қарздорликни камайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан қалбаки йўловчи божхона декларациялари ва божхонага оид бошқа қалбаки ҳужжатлар асосида банк кассаларига нақд хорижий валюта пул маблағларини тўланишини олдини олиш мақсадида божхона органлари билан тижорат банклари ўртасида маълумотлар алмашинувини таъминловчи электрон дастурни амалиётга жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Марказий банк ва божхона кўмиаси ўртасида товарларнинг экспорти билан боғлиқ ноқонуний валюта операцияларини олдини олишга қаратилган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиб, ушбу чора-тадбирлар режасига биноан, сохта йўловчи божхона декларацияси ва божхонага оид бошқа қалбаки ҳужжатлар асосида банк кассасига нақд хорижий валюта пул маблағини топшириш учун мурожаат қилган тадбиркор аниқланганда, тижорат банклари томонидан божхона органларига дарҳол хабар бериш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Экспорт-импорт жараёнида солиқ назоратига таъсир қилувчи омиллар маълум маънода экспорт-импорт операциялари амалиёти янада соддалаштиришни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва унинг жозибадорлигини янада ошириш ва божхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар қўлланилиб келинмоқда.

Экспорт-импорт фаолиятида солиқ назоратига таъсир курсатувчи омиллар натижасида бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштиришда, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳамда уларни ташқи савдо фаолияти учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бермоқда.

Ташқи савдо фаолиятида солиқ назоратига таъсир қилувчи омиллар маълум маънода экспорт-импорт операциялари амалиёти янада соддалаштиришни ўз ичига олади. Жумладан жорий қилинган «Ягона дарча» божхона ахборот тизими фаолиятида олиб борилаётган фаолиятлар ҳам ташқи савдо фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда ва бу ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва унинг жозибадорлигини янада ошириш ва божхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар қўлланилиб келинмоқда.

Фикримизча, мазкур чора-тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши куйидаги натижаларга олиб келади:

1. Тадбиркорлик субъектларига маҳсулот экспорти учун берилган солиқлар бўйича имтиёзлардан ғайриқонуний тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди;

2. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги валюта ресурсларининг хорижий давлатларга чиқиб кетиши, сўнгра хорижий давлат фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари номидан қайта Ўзбекистонга олиб кириш билан боғлиқ ноқонуний валюта операцияларининг олди олинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси, 30.06.2018 й., 06/18/5468/1420-сон; 19.03.2020 й., 06/20/5968/0331-сон.

2. Қурбанов З.Н. (2011) Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. такд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, Б. 26

3. Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 44 б. 2007.

4. Исламкулов А.Х. (2012) Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 21 б.

5. Ш.Д.Эргашходжаева. Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма.- Т.: ТДИУ, 2013.-328 б.

6. Гончаренко Л.И. (2012) Методология налогообложения и налогового администрирования коммерческих банков: монография / Л.И. Гончаренко. – 2-е изд. М: Финансовый университет, 332 с. (190-191 с.).

7. Адвокатова А.С. (2013) Налоговый контроль в условиях модификации отношений налоговых органов и налогоплательщиков. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва. 26 с.

8. Marcel Fischer (2019). The debt tax shield in general equilibrium. America. Journal of Banking & Finance. Volume 100. P. 151-166. (www.sciencedirect.com)

9. Д.В. Кузин. Налогообложение экспортных и импортных операций в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. 28с.

10. Jumaniyazov, I. T. (2021). The Progressive Foreign Experiments in the Activity of Sovereign Wealth Funds. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 109-116.

11. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. International Journal of Management Science and Business Administration, 4(2), 84-88.

12. Jumaniyazov, I. T. (2022). O'zbekistonda davlat moliya tizimidagi islohotlar va rivojlantirish istiqbollari. Science and Education, 3(5), 1637-1645.

13. Inomjon Turaevich Jumaniyazov, & Bexruz Hazratov (2022). Foreign experience in the development of special economic zones in Uzbekistan. Science and Education, 3 (5), 1628-1636.

14. www.cbu.uz-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти. Ушбу расм “Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари ва Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиш бўйича Пул-кредит сиёсати таҳлили” Бошқарув йиғилиши яқунлари бўйича матбуот анжумани. 2021 йил 21 октябрь.

15. www.mf.uz-сайти маълумотлари.

16. <https://customs.uz>-сайти маълумотлари.